

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Туркменистон Президенти С.Ниезов тақлифига биноан шу йил 21-22 сентябр кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор давлатлараро ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА)



ЎШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 15 сентябр, жума №136 (968)

БЕШАҒБА, ЧОРШАҒБА, ЖУМА ВА ШАНҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ЖАҲОН ДИНЛАРИ ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ ЙЎЛИДА» ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам меҳмонлар! Қадрли дўстлар! Сизларни турли дин ва миллатга мансуб инсонлар тинч-тотув ҳаёт кечираётган, маънавий юксалик ва диний бағрикенглик қадимдан қарор толган Гўзал ва бетакрор Ўзбекистон заминида муборакбод этишдан гоёт мамнунман.

Дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди. Айниқса, инсоният мураккаб тараққиёт жараёни бошидан кечираётган ҳозирги даврда диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўрвонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти беқиёсдир.

Бизнинг мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ривож толган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида маконга эга.

Бу муборак заминда бизнинг аجدдоларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қарагани, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Кўп миллатли Ватанимизда бугунги кунда ислом дини вакиллари билан бир қаторда ўн еттита диний конфессия вакиллари ёнма-ён яшаб, ҳамкорлик қилиб келаётгани барча динларнинг моҳияти эзгулик ва яхшиликка хизмат қилишдан иборатдир, деган кўҳна ҳақиқатнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон турли динларга мансуб кадрларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасидаги қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

1995 йилда «Бир осмон остида» шиори билан ўтказилган мусулмон ва христиан динлари вакиллари ўртасидаги мулоқот, рус православ церкви ҳамда Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташкил этилганининг 125 йиллик юбилеи, Ўзбекистон евангелъ-лютеран жамоаси ташкил этилганининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бу борадаги хайрли ишларнинг ёрқин намунаси дур.

Азиз дўстлар! Бугунги кунда одамларнинг динга бўлган самимию илҳос-эътиқодидан ўзининг гаразли ниятларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган қора кучлар кўплаб халқлар бошига қулфалар ёғдиришмоқда. Бу барчамизни, энг аввало, сизларни, динни одамлар бахт-саодати ва ёруғ келажак учун хизмат қилдиришни ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган инсонларни ташвишга солади, албатта.

Ишончм комилки, дунё жамоатчилиги, сиздек фидойий инсонлар асрлар мобайнида тинчлик, биродарлик ва ўзаро тотувликка хизмат қилиб келган динларнинг ёвуз террорчи ва экстремистик кучлар қўлида қуролга айланиб қолишига асло йўл қўймайди.

Дунёдаги энг улуг ва энг азиз неъмат бўлган тинчликни асраш, бутун башариятни дўстлик ва биродарликда яшашга даъват этиш, одамларни олий мақсадлар сари бошлаш сизларнинг фаолиятингизда ҳам асосий ўрин тута бораётгани, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жаҳондаги ҳар бир инсонда чуқур ҳурмат туйғусини уйғотди.

Ушбу халқро анжуманининг тинчлик шиори остида, осойишталик, дўстлик ва биродарликни энг олий қадрият сифатида эъозлаб келаётган ўзбек дийрида, ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтаётгани ҳам сизларнинг бугунги фаолиятингизга берилаётган ўзига хос юксак баҳо, десам муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга жаҳондаги кўплаб нуфузли ташкилотлар вакиллари, таниқли дин ва маданият намоёндалари иштирокида иш бошлаётган бу анжуман тараққийпарвар дунё жамоатчилигининг турли динлар ўртасидаги эзгу интилишларни барча халқларнинг муштарак мақсади бўлган тинчлик, биродарлик ва ҳамжихатликни сақлаш масалаларига қаратаётганидан далolat беради.

Мана шундай олижаноб ишда барчангизга соғлиқ-саломатлик, гайрат-шижоат, анжуман ишига муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Асакада дур етиштиришнинг ҳадисини олган миришкор дехконлар кўп. Баҳорнинг бир кўни йилга татийди деганларидек, улар режадаги ҳосилга эрта кўкларда замин яратиш лозимлигини яхши билдилар. Сифатли уруғлик, илгор технология, саҳий кўшнинг заррин нурлари-ю, қалб кўри ҳеч қачон аллаб қўймайди бободоҳконни.

Бу йил ҳам шундай бўлди. 5995 гектар майдонда дур ундирган асакаликлар йиғим-теримни жуда эрта бошлаб юбордилар.

Ишни уюшқоқлик билан ташкил этган, теримчиларга етарли шароит яратиб берган, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга жиддий эътибор берган Аввал Ҳожиёв, Адхам Юнусовлар бошлиқ бригадалар «оқ олтин» ижод-

роитлар яратилган. Дала шийпонларида тушдиқка иссиқ оқват ташкил этилган.

— Меҳнатингга вақтида ҳақ тўлаб борилса, янада ишлагинг келар экан, - дейди илгор теримчи Гулчехра

Берилаётгани боис «Ўзбекистон мустақиллиги», «Ғалаба», «Наврўз», Бобур номли жамоа хўжалиқларида ва «Асака» ширкатлар уюшмасида давлатга пахта топшириш шартнома режаси би-

— Хали далаларимизда ҳосил мўл, - дейди ҳамроҳим, агросаноат мажмуи ҳодимлари туман касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳидоятилло Аҳмедов. - Шу пайтгача теримга ҳар беш кунда

ҳақ берилган бўлса, 11 сентябрдан бошлаб ҳар кунги терилган пахта пули дала бошида берилаётди. Бунда «Пахтабанк» туман бўлимининг ҳиссаси катта бўлаётди. Чунки бўлим йиғим-терим иштирокчиларига иш ҳақини вақтида етказиб бermoқда. Бу эса терим суръатига ижо-

диринчилар каторида бажарилган бўлса, бугун тумanning катта қаровни ҳам марра чизигида кўринди. Мавжуд майдонлардан гектаридан 23,8 центнердан ҳамми 17288 тонна «оқ олтин» дурдонаси йиғиштириб олинди.

Туманда меҳнатни рағбатлантиришга етарли эътибор

бий таъсир қилаётди. Мастура Қўзиёва, Розияхон Усмонова, Гулшаной Тожибоевалар кунлик теримни 150 килограммдан камайтиришмаёпти. Агар туман хирмони кўл кучи ёрдамида тўпланиб, фақат биринчи навларга топширилганини ҳисобга олсак, даромад кутилганидан ҳам кўп бўлишининг гувоҳи бўламиз.

Ха, Асака далаларида терим авжида. Туман миришкорлари ҳар гектар майдондан олиннадиган пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш ниятидалар.

Муборак
МИРКАМОЛОВА,
«Ишонч» муҳбири.

АСАКА ДАЛАЛАРИДА

репортаж

корлари республика мустақиллигининг 9 йиллик тўйини давлатга пахта топшириш шартнома режасини уда-лаш билан кўтиб олдилар.

Асака далаларини айланамиз. Теримчилар кўтаринки кайфият билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг унумли ишлашлари учун барча ша-

Шокирова. - Охирги беш кунликда 16 минг сўмдан ошмироқ пул олдим. Бригадамиз шартномавий режани биринчилардан бўлиб бажаргани учун мукофот ҳам беришди.

Туманда меҳнатни рағбатлантиришга етарли эътибор

ҳақ берилган бўлса, 11 сентябрдан бошлаб ҳар кунги терилган пахта пули дала бошида берилаётди. Бунда «Пахтабанк» туман бўлимининг ҳиссаси катта бўлаётди. Чунки бўлим йиғим-терим иштирокчиларига иш ҳақини вақтида етказиб бermoқда. Бу эса терим суръатига ижо-

диринчилар каторида бажарилган бўлса, бугун тумanning катта қаровни ҳам марра чизигида кўринди. Мавжуд майдонлардан гектаридан 23,8 центнердан ҳамми 17288 тонна «оқ олтин» дурдонаси йиғиштириб олинди.



Хабар қилинганидек, шу йилнинг 28 августидан Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва чегара кўшинлари томонидан республикамизга суқилиб кирган 15 нафар террорчидан иборат жангарилар гуруҳининг 8 аъзоси йўқ қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси матбуот хизма-

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон дунё ҳамжамияти сафида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Унинг жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни, минтақادا барқарорликни таъминлаш, давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги дадил қадамлари халқро жамоатчилик эътиборига сазовор бўлмоқда. Юртбошимизнинг Нью-Йорк заминида бўлиб ўтган самарали мулоқотлари ана шундан гувоҳлик беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 6-8 сентябр кунлари Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган «Мингйиллик саммити» давримизнинг энг нуфузли анжуманларидан бири бўлди. Ҳозирги пайтда БМТга 188 давлат аъзо бўлса, ушбу анжуманда уларнинг асосий қисми раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди. Энг муҳими, янги мингйиллик арафасида асримизнинг долзарб муаммолари, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, экстремизм ва терроризмга қарши кураш, ер юзи аҳолиси учун муносиб турмуш тарзини яратиш каби муаммолар қизгин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур анжумандаги иштироки ва сўзлашган нутқида баён этилган фикр-мулоҳазалар халқро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Саммит доирасида бўлиб ўтган учрашувлар буни яққол намоиш этди. Зеро, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида минтақادا тинчлик ва барқарорликни таъминлашда тобора фаолроқ роль ўйнамоқда. Марказий Осиёда ядросиз худуд барпо этиш, Афғонистондаги биродарқушлик урушига барҳам бериш, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган қадимий Буюк Ипак йўлини тиклаш каби ташаббусларимиз халқро миқёсда кенг қўллаб-қувватланаётганини бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида минтақавий хавфсизлик, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний тарқалиши олдини олиш, экологик хавфсизлик, БМТни ислоҳ қилиш каби долзарб масалаларнинг аниқ ечимларини кўрсатиб берди. Нутқда таъкидланганидек, минтақа ва айрим давлатлар хавфсизлиги жаҳонда тинчликни таъминлаш билан узвий боғлиқ. Чунки бугунги кунда бир мамлакатда рўй берган беқарорлик ана шу давлат чегараси ичида қолмайди, балки қўшни давлатларга ҳам таъсир қилади. Афғонистонда 21 йилдан буён давом этаётган қуролини низо бунга мисол бўла олади. Тожикистонда рўй берган фуқаролар урушида Афғонистондаги радикал кучларнинг бевоқиф таъсир бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда улар Ўзбекистон ва Кирғизистонда ҳам беқарорлик яратишга уринмоқдалар. Утган йили ва бу йил август ойида икки қўшни мамлакатга террорчиларнинг хуружи ортида ким турганлиги бугун яхши маълум. Афғонистон халқро террорчилик, экстремизм ва наркотиқ савдоси қароргоҳига айланиб қолмоқда.

Давримизда терроризм халқро миқёсда касб этди. Ундан азият чекамиз мамлакат кам. АКШ, Буюк Британия, Россия, Жазиор, Миср, Исроил, Туркия, Испания каби давлатлар бу офат билан юзма-юз турибдилар. Қизиғи шундаки, террорчилик бир мамлакатда амалга оширилади-ю,

илдизи бошқа мамлакатда бўлади. Бу эса табиий равишда, терроризмга қарши курашда халқро ҳамкорликни тақозо этади. Чунки террорчиларни йўналтираётган, уларни замонавий воситалар ва қурооллар билан таъминлаётган яширин халқро марказлар бор. Афғонистондан бошлана толган халқро террорчи Усама бин Ладеннинг қора ишлари бунга мисолдир. 1995-96 йилларда АКШ ва бошқа бир қатор мамлакатларда амалга оширилган кўпурвчилик ҳаракатларида унинг қўли борлиги аниқланган. 80-йилларнинг бошида Покистондаги Пешовар шаҳрида ҳарбий лагерлар қурган ва унда жангарилар тайёрлаган, толибларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб турган ҳам у. Миср махфий ишлар хизмати маълумотларига қараганда, у дунёдаги ақидадараста кучларнинг 51 ташкилотига молиявий ёрдам бермоқда. Бирлашган Араб Амирликлари, Ироқ, Иордания, Ливан, Малайзия, Мароқаш, Жазиор, Покистон, Сурия, Туркия, Россия ва бир қатор Европа мамлакатларида унинг ҳамфиқрлари борлиги айтилмоқда. Табиийки, экстремистик кучларни қўллаётган бошқа махфий марказлар ҳам мавжуд. Уларга қарши курашда кучларни бирлаштириш, бунда халқро ҳамжамият нуфузидан фойдаланиш ижобий самара бериши мумкин.

Минтақадаги беқарорлик манбаи бўлган Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишда «6+2» гуруҳининг

Бор бўл, оқибат!

ЙЎЛСОЗЛАР МУРУВВАТИ

Самарқанддаги 9-Меҳрибонлик уйини оталиққа олган «Самарқандав-тойўл» давлат ҳиссадорлик жамияти болаларнинг иссиқ-совуғидан доимо хабардор. Жамоа ўтган йили болалар уйида тўққиз миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширган эди. Бу йил ҳам қорхона аҳли янги ўқув йили муносабати билан болаларга 450 минг сўмлик ўқув анжомлари ва дарсликлар тўхта этди.

Президентимиз саммит иштирокчилари эътиборини яна бир қарра Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига жалб этди. Нутқда айтилганидек, бу муаммо эндиликда Марказий Осиё худуди доирасидан чиқиб, дунёвий аҳамият касб этмоқда. Зеро, унинг оқибатлари Осиёгагина эмас, Европа қитъасига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Табиийки, Орол денгизи ҳавзасида жойлашган мамлакатлар экологик фожиа таъсирини камайтириш бўйича бир қанча тадбирларни амалга ошириш зарур. Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида ташкил этилган Оролни асраш қўмитаси фаолияти бунга мисол бўла олади. Халқро ташкилотлар, Германия, Япония каби давлатлар кўмаги ҳам сезиларли бўлмоқда. Аммо бу етарли эмас. Шу сабабли мамлакатимиз Президенти БМТнинг атраф-муҳит муҳофазаси бўйича Да-стури хомийлигида Орол ҳамда Оролбўйи муаммоларига оид Кенгаш тузишини тақлиф қилди. Бундай Кенгаш халқро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Бойсун тумани халқ таълими ходимлари ҳам ўз маблаглари 21 та дарсхона бунёд этишди.

(Давоми 2-бетда.)

ТЕРРОРЧИЛАР БАТАМОМ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

тининг хабар беришича, 2000 йилнинг 11 сентябрда эрталаб тахминан соат 8.30 да Кирғизистон Республикаси Жалобод вилоятининг Чотқол туманидаги Оқтош кўрғони ёнида Ўзбекистон ва Кирғизистон Республикалари Ички ишлар вазирилари ва чегара кўшинларининг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида жангарилар гуруҳининг қолган 7 нафар аъзоси қидириб топилди ва соат 13.00 гача батамом йўқ қилинди. (ЎЗА)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги шахзодаси Ҳасан бин Талол Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уткир Султонов билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Иордания ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш имкониятлари ҳусусида фикрлашиб олинди.

ИОРДАНИЯ ШАҲЗОДАСИНING ТАШРИФИ

Шу кунларда Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги шахзодаси Ҳасан бин Талол мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. У ЮНЕСКОнинг Тошкентда ўтказилаётган «Жаҳон динлари тинчлик йўлида» халқро анжуманида иштирок этди ва мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ҳусусида фикр алмашилди.

Юксак мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридagi Тошкент Ислом университетини зиёрат қилди. (ЎЗА)



ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

Бода бу макбуллуқ зотимда мавжуд айлади, Ким мени зухду риё ахлига мардуд айлади. Май ўтининг ламъаси ўртаб вуждим хирманин, Кулларин най нағмаси бир дамда нобуд айлади. Бодадин хушнуд улубмен то мени жоми фано, Давр элининг софио дурдига хушнуд айлади. Майга раҳн этгил риё сажходасин, эй шайхким, Хар киши бу навъ савдо айлади, суд айлади. Майга ашким лаълидин олудалиг гар истамас, Не учун соқий лаби лаълин майолуд айлади. Одамийлик кўргузуб қилдинг паривашларни кул, Одам улдурким, малойик они масжуд айлади. Эл тилар муг кўйину истар Навоий мугбача, Азми мақсад айлаб эл, ул қасди мақсуд айлади.

хам ошиқ; Май ўтининг ламъаси ўртаб вуждим хирманин, Кулларин най нағмаси бир дамда нобуд айлади, — деб нола айлади. Ха, май ўтининг шуъласидан шундай ҳолат зоҳир бўлса, унинг бутун қудратини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Бодадин хушнуд улубмен то мени жоми фано,

МАЛОЙИК ОНИ МАСЖУД АЙЛАДИ



Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.

Бу газал Алишер Навоийнинг «Бадаъ ул-бидоъ» девонидан ўрин олган. Етти байтли, рамали мусамма маҳуф вазида ёзилган. Мазмун-моҳиятига кўра орифонидир. Газалда «Бода» ва «май»нинг сирини ориф тилидан шарҳланади. Зеро, ориф сирдан воқиф, мукаммал ирфон ва маърифат соҳибидир.

Бода бу макбуллуқ зотимда мавжуд айлади, Ким мени зухду риё ахлига мардуд айлади. Май ўтининг ламъаси ўртаб вуждим хирманин, Кулларин най нағмаси бир дамда нобуд айлади. Бодадин хушнуд улубмен то мени жоми фано, Давр элининг софио дурдига хушнуд айлади.

«Жом» — бағри маърифатига тўлиғ сулуқ ахли, орифининг қалби, фано-йўқлик, ҳечлик. Ишқ одамни сархуш қилади. Уздан кечиб йўқлик — фанога олиб боради. Шундай экан давр элининг яхшию ёмон, поку нопок барча-барчасининг маломатларига рози этасди.

Майга раҳн этгил, риё сажходасин, эй шайхким, Хар киши бу навъ савдо айлади, суд айлади. Шоири жойнамоzin майга гаров қил, — дея шайхга мурожаат қилади ва ҳар ким шундай тарзда иш тутса фойда кўришини уқтиради. Хўш, бу билан нима дейилмоқчи? Наҳотки шоир жойнамоz ва майнинг бир-бирига мутлақо тўғри келмаслигини унутган бўлса. Ҳазрат Навоий кўзда тутган мақсадни билиш учун байтдаги «риё сажходасин» сўзига эътибор қилиш лозим. Шунда масала аёнлашади. Риё, алдов — оғир гуноҳ. Зеро, ҳар қандай алдов одамни одамийлик сифидан чиқаради, қалбни ўз моҳиятидан йироқлаштиради, тубанлаш-

тиради. Шундай экан соф май — ишқ «риё сажходасин»дан минг қара устунроқдир. Ана шу боис навбатдаги байтда ҳам май билан боғлиқ гап ўртага ташланади.

Майга ашким лаълидин олудалиг гар истамас, Не учун соқий лаби лаълин майолуд айлади.

Ошиқ тўқкан қонли кўз ёшлардан майнинг олуида бўлишини истамайди. Аммо соқий лаъли лабиниинг майолудига ниҳадан? «Соқий» тасаввуф луғатларида шайх, пири комил образи сифатида талқин этилади. Май ишқ тисмоли экан, унинг поклик хусусияти муҳимдир. Соқий ҳам кўнглини ҳар қандай гайрдан поклаган зот. Шунинг учун ҳам май ва соқий лаби бир хилда қизил. Аммо ошиқ хали комиллик даражасига эриша олмангача, унинг қонли кўз ёши май билан бир хил ранг касб этмайди. Шунинг учун ҳам ошиқ «майга ашким лаълидин олудалиг гар истамас» дейди.

Одамийлик кўргузуб қилдинг паривашларни кул, Одам улдурким, малойик они масжуд айлади.

Бу байт талмех санъати асосида юзага келган бўлиб, Одам сафиуллоҳнинг яратилиши, барча малойикларнинг унга сажда қилишига ишора этилмоқда. Бу воқеани эслатиш билан шоир одам ва одамийликнинг нечоғли юксаклигини, ҳаттоки «паривашларни кул», уни эса «масжуд» эканлигини уқтирмоқда. Ҳа, одам шундай улуг шарафга муяссар бўлган, барча фаришталар сажда қилган зот экан, шунга мувофиқ тарзда яшаш кераклигини унутмаслик лозим.

Эл тилар муг кўйину истар Навоий мугбача, Азми мақсад айлаб эл, ул қасди мақсуд айлади.

Муг-оташпараст, ўтга чўқинувчи, мугбача — май ташувчи бола. Тасаввуфий маънода содиқ, самимий мурид. Демак, эл ҳақпарастлик, ҳақ ошиқлигини тиласа, шоир ҳам самимий толибликни истади ва бу ниятга эришиш мақсадида ҳаракат қилади.

Исмоил Сабрий деган шоир «Ё Раббим, фазилатинг паноҳида мени ақларнинг тўшқилари ила фикрларнинг фитналаридан асрагил», — деган экан.

Албатта, бунда шоир чекланган ва чегараланган ақл, яъни ақли жузнинг тошқини, маҳдуд ёки қотиб қолган фикрларнинг фитнасини эътиборда тутган. Навоийнинг қатор газалларида ҳам мана шундай ақлий яқранглик ва фикрий турғунлик қораланади. Чунки бу офат инсон эркининг муроса этиб бўлмас қушандасидир.

Насиба БОЗОРОВА, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспиранти.

Эллиққалъа туманида сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган бу тадбирда Қорақалпоғистоннинг барча туманларидан соҳа мутахассислари, фермер ҳўжаликлари уюшмалари раҳбарлари ҳамда Жаҳон Тараққиёт ва тикланиш банки вакиллари қатнашди.

ФЙДАЛИ ТАДБИР

Анжуманда сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг АҚШ, Фарбий Европа ҳамда Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳозирги ҳолати, мавжуд тажрибалар, сувдан самарали фойдаланишда қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги олдига турган вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, Оролбўйи ҳудудининг экологик мураккаб шароитида суғориш ва мелiorация шохобчаларини такомиллаштириш учун Жаҳон Тараққиёт ва тикланиш банки инвестицияларини жалб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш ва ривожлантиришга бағишланган шундай тадбир Хоразм вилоятида ҳам ўтказилади.

«Намунали илм» МАКТАБДА «БАНК» СУ

Мана, янги ўқув йили бошланган ҳафта бўлди. Хўш, бу йилги мавсумлар қандай тайёргарлик билан келди? Тошшаҳридаги Алишер Навоий номидаги 40-иқтисодлаштирилган мактаб директори Баҳриниса ПўЛТАОВА мухбиримиз Раъно Махкамовага ана шу хусусда сўзлаб берди.

— Мактабимиз ўтган йили атиги 30 физигна таъмирланган, айрим шохобчаларимиз санитария-гигиена талабларига жавоб бермасди. Гапнинг рости, маблаг масаласи анча йилантириб қўйганди. Шу боис, жаммо ва касаб ва уюшмамиз билан фикрлашиб, ҳомийлар ва ота-оналар фондини ташкил қилдик.

Қарангки, ташаббус бошланди, кўллаб-қувватловчилар ҳам топиларкан. Илмгоҳимизга кўлгина инсонлар кўмак беришди. Жумладан, «Исломобод», «Кўкча» маҳаллалари, «Шайх» ва «Рўста қандолат» фирмалари мактаб биносини тўла таъмирдан чиқариш ва кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизларини дарсликлар билан таъминлашда ўз ёрдамларини аямаллар.

Илмгоҳимизда ўқувчиларнинг етарлича билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Янги ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа-

ларимиз давлат таълим стандартлари асосида тuzилган. Мактабимиз асосан информатика ва математика фанларига иқтисодлаштирилган. Бир неча йил илгари очилган «Банк» синфларимиз ҳам ҳозирги кунда ўз самарасини берапти. Тажрибали муаллимларимизнинг саъй-ҳаракатлари боис, ўқувчиларимиз фанлардан ўзлаштириш бўйича туманда юқори ўринлардан жой олган. Жумладан, 9-«Банк» синфида таълим олаётган Абдували Исмоилов информатика ва ҳисоблаш техникаси фани бўйича шаҳар миқёсида ўтказилган олимпиадада 1-ўринни эгаллаб, Республика Банк коллежига имтиёзли йўллама билан тақдирланди. Шу синф ўқувчиси Шерзод Шамсиев география фани бўйича ўтказилган шаҳар олимпиадасида 2-ўринни эгаллаб, «Пахтабанк»нинг кимматбахо совғасига лойиқ қўрилди.

«Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур»ни давллат барпо этиш маъзуи бўйича кўшимча дарс соатлари ҳам ташкил қилиниб, бу билан ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга эришилляпти.

Ун марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши, деган гап бор, халқимизда «Банк» синфларида тахсил олаётган ўқувчилар билимларини чуқурлаштириш ва пухта ўзлаштиришлари учун уларнинг «Пахтабанк»ка тез-тез амалиётга бориши йўлга қўйилган. Олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик қилиш ҳам бosh мақсадларимиздан бирига айланган.

Хуллас, соғлом авлоднинг соғлом муҳитда камол топтириш аввало биз мураббийларга катта масъуляти оқлайди. Зеро, мустақиллигимиз боқий ва келажакимиз нузли бўлиши ёшларимизнинг билим-савияси ва дунёқарашининг нечоғли шаклланишига ҳам боғлиқ.

ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Маълумки, ҳаёт бор жойда табиий офат ҳам мавжуд. У ҳамиша инсоният билан ёнма-ён яшаб келган. Шу боисдан, инсон қадим-қадимдан табиий офат билан курашиб, уни бартараф этиш йўллари ҳақида бosh қотиради.

Умуман олганда 2000 йилда ҳам кўлгина табиий офатлар юз берди, анчагина сезиларли иқтисодий зарар қўрилди. Минглаб қурбонлар берилди. Масалан, Европада об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида минглаб гектар ўрмонларда ёнғин содир бўлган, Жанубий Африкада қутилмаган совуқ тушиши, айрим давлатларда сурункали ёмғир ёғиши туфайли сув тошқинлари келиб чиқishi кишини беихтиёр ташвишлантиради.

Бу йилги иқлим ўзгаришлари Марказий Осиё мамлакатларида ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Қўйда биз Андижон вилоятида табиий офатларнинг олдини олиш борасида амалга ошириляётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Табиий офатлар олдини олишдаги ҳамкорлик

Андижон вилояти ўзининг иқлими, журофий жойлашуви жиҳатдан республикамизнинг бoshқа воҳаларидан бирмунча фарқ қилади. Вилоятнинг кўпгина туманлари қўшни Қирғизистоннинг Ўш вилояти билан чегарадош эканлигини ҳисобга оладиган бўлса, масъуляти юки янада залворли эканлиги маълум бўлади. Вилоят ичидан оқиб ўтувчи аксарият дарё ва сойлар қўшни республика ҳудудидан бошланади. Мабоодо, сел ёки сув тошқини оз бергудек бўлса, асосий зарар кўпроқ бизнинг зиммамизга тушади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари бундай офатларнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мақсадида фаол иш олиб бораётилар.

Яқинда Пахтаобод туманида бўлиб, талай ишлар амалга оширилганига ишонч ҳосил қилдик. Чунки Пахтаободнинг 60 километрдан зиёроқ ҳудуди Ўш вилоятининг Сузоқ, Бозорқўрғон, Новкент туманлари ерлари билан туташиб кетган. Қорадарё, Тентақсой ва Мойлисойлардан оқиб келадиган сувлар Пахтаобод ва Избоскан туманлари ичидан оқиб ўтади. Бир томондан, бу сувларнинг мейёрида оқиб келаятгани кони фойда. Бундан фарқ кўрсатиб бўлишимиз керак. Иккинчи томондан эса сел билан боғлиқ хатарни ҳам унутмаслигимиз зарур. Қолаверса, гап фақат сел ёки сув тошқинидагина эмас, балки Мойлисой яқинидаги ерларда бир вақтлар қўшиб ташланган беҳисоб уран қолдиқлари, радиоактив моддалар ва бoshқа зарарли чиқиндилар хусусида. Улар лойқага қўшилиб, хавф туғдириши мумкин.

Яқинда мамлакатимизга таширф бюрган Германиянинг Табиий офатларнинг олдини олиш кўмитаси раиси, жаноб Кристиан Айкенберг бошчилигидаги бир гуруҳ немис мутахассислари Қирғизистоннинг Мойлисой ҳамда Андижон вилоятининг Пахтаобод туманларида бўлиб, жойлардаги вазиятни ўрганиб қайтишди ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Хўш, ана шундай табиий офат юз бергудек бўлса нима қилиш керак? Буюк француз адиби Ф. Фенелон «Хавф рўй бермасдан ҳаракат қилиб, унинг олдини олиш керак. Бирок у содир бўлган тақдирда ягона кулол жасоратдир» деган эди. Шунини ишон билан айтиш мумкинки, бундай ҳолатда ҳар доим шай турадиган кутқарув қўлларимиз мавжуд. Ўтган кун Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-кутқарув қўлчари ва Ички ишлар бошқармаси жодимилари ҳамда Қизил Ярим Ой жамияти миллий кенгашининг туман бўлими билан ҳамкорликда ўқув тайёргарлик машқлари бўлиб ўтди. Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, Қорадарё, Мойлисой ва Тентақсой атрофларида истиқомат қилаётган аҳолини бирор қор-ҳол рўй бергудек бўлса эздилик билан хавфсиз жойларга қўчириб жойлаштириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, транспорт воситаларини ўз вақтида жалб этиш ва бoshқа хавфсизлик чораларини қўришдан иборат эди. Тайёргарлик машқларининг яхши ўтгани халоскорларимизнинг эғчил ва қаққонлигидан далолат беради.

Энг муҳими шундаки, тошқин хавфи туғилса туман ҳудудида суани ййғадиган катта ҳажмдаги селхона мавжуд бўлиб, қўшни туманларга ўтиб кетишига йўл қўйилмайди.

Пахтаобод туманида бўлган сафаримиз чоғида Қирғизистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар ҳамда Фуқаро мудофаси вазирлиги ходимлари ҳам биз билан бирга бўлишди. Улар ҳам табиий офатларга қарши курашда ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини айтишди.

Азамат СУҲОНОВ, ФВВ матбуот котиби.

Ислоҳот инсон учун

аҳлининг тафаккури, турмуш тарзи ўзгарди. Хўжаликда пахтачилик, чорвачилик ва ғалла етиштириш ривожланди. 1987 йилдан буюн пахта топшириш режаси ортиги билан адо этиляёттир. Натижада хўжалик даромади ортмоқда. Ҳозир унинг ҳисоб-рақамидан 100 миллион сўмдан кўпроқ маблаг бор. Шу боис ҳам бу ерда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига алоҳида аҳамият берилляёттир.

Айни кунларда 900 ўринли коллеж ва 300 ўринли ётоқхона мажмуи қуриляпти, «Миллий кураш» стадиони ҳамда «Осиё тараққиёти ва тикланиш банки» ҳисобига Исроил билан ҳамкорликда хўжаликда етиштириляётган сутни қайта ишлайдиган «Жейнов» кичик корхонаси қурилиши авжида.

«ЖЕЙНОВ» ҲАЁТИ барчага намуна

— Режаларимиз бисёр, — деди хўжалик раҳбари М.Саидов. — Италиянинг «Smale» фирмаси билан ҳамкорликда томат пастаси ишлаб чиқарадиган ва мевани қуритадиган корхоналар барпо этиш ниятидамыз. Шуниси эътиборлики, хўжаликда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор берилляёттир. Ҳозирги вақтда бу ерда ўн тўртта хусусий ва кичик корхона мавжуд бўлиб, уларда 450 нафардан кўпроқ киши меҳнат қилади. Аҳоли нон ва нон махсулотлари, макарон, турли қандолат махсулотлари билан ҳам етарлича таъминланмоқда.



«ЖЕЙНОВ» ҲАЁТИ барчага намуна

Халқ хунармандчилиги мураббийлари Норби Ҳасанова ва Оғби Гулназарова.

2. «Баҳор» болалар богча-гимназисии тарбиячиси Зулфия Фармонова машғулот пайтида.

3. Қариялар чойхонаси. Ш.ШАРОПОВ, (ЎЗА) олган суратлар.



— Режаларимиз бисёр, — деди хўжалик раҳбари М.Саидов. — Италиянинг «Smale» фирмаси билан ҳамкорликда томат пастаси ишлаб чиқарадиган ва мевани қуритадиган корхоналар барпо этиш ниятидамыз. Шуниси эътиборлики, хўжаликда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий эътибор берилляёттир. Ҳозирги вақтда бу ерда ўн тўртта хусусий ва кичик корхона мавжуд бўлиб, уларда 450 нафардан кўпроқ киши меҳнат қилади. Аҳоли нон ва нон махсулотлари, макарон, турли қандолат махсулотлари билан ҳам етарлича таъминланмоқда.



«Юртинг озод бўлса, халқинг тинч, бозоринг обод бўлади», деган нақл бежизга айтилмаган. Мамлакатимизнинг шаҳарлари, туманларию, чекка қишлоқларида бугун ҳаёт ўзагача. Одамларнинг яшашга бўлган иштиёқи ва интилишларида, хатти-ҳаракатларида янги ҳаёт нафаси ўфуриб турибди. Кимдир корхона очиб илинжида юрса, яна кимдир хорижга ўқишга чоғланган.

Дарвоқе, Қарши чўлининг чекка, Жанубий этаги ҳудудидаги Усмон Юсулов туманида жойлашган «Жейнов» шир-

ДА УЙИНАРИ БОШЛАНГАН?

Импада уйинлари. Кейси бир спорт Пубакаси узок тари га йи ҳамда шарафли дуйлини босиб утганлиги билан унга тенг келол- маса керак. Зеро, та- рихчиларнинг гувохлик беришича, ушбу мусо- бакалар эраминдан ол- динги 1453 йилда бош- ланган. Тўғри, бу олим- пиада уйинларини том маънода спорт бахсла- ри дея олмаймиз. Чун- ки мусобакалар дасту- ридан энгил атлетика беллашувларидан таш- қари, нотиклик, мусикий саҳна кўринишлари ва шеърий айтишувлар ҳам ўрин олган.

Греklar томонидан ташкил этилган олимпиа- да эраминдан 392 йил- да Рим императорла- ри буйруғи билан таъ- килаб кўйилган. Шундан сўнг орадан 1500 йил- дан кўпроқ вақт ўтиб, 1896 йили Афинада у жаҳоннинг энг нуфузли мусобакаларидан бири сифатида қайтадан таш- кил этилди.

Мана, орадан юз йил- дан кўп вақт ўтибдики, олимпиада уйинлари энг нуфузли мусобака сифатида мунтазам ўтка- зиб келинмоқда.

САРАФ-ХАРАЖАТ УЧУН 560 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Ташкилотчилар аср сўнггидаги олимпиада сарф-харажатлари учун 560 миллион АҚШ дол- лари сарфлашди. Маълумки, «Сидней-2000»да 200 га яқин мамлакатдан 10 минг 200 нафар спортчи катнашади. Мусобакалар ҳақидаги телелашувлари- ни хорижий мамлакат- ларга узатиш учун 700 та марказлаштирилган камера ишлатилади. Томошабинлар учун эса 5 миллионга билет со- тувга чиқарилган.

БУТАН ИЛК БОР МЕДАЛЛАРДАН УМИДВОР


Бор-ўйи 60 минг аҳолига эга Бутан қироллиги илк бор яшил қитъа олимпиада- да жой олишига жуда-жуда ишонмоқда. Ҳа, бир қанча мусобакаларда 100 метрдан узокроқ масофадаги мўлжални аниқ нишонга олган спортчи учун олимпиа- дадаги 70 метрлик ни- шон унчалик кўрқинчли туюлмаётган бўлса, ажабмас.

«Сидней-2000» КАТТА ИМТИҲОН

Бугун яшил қитъа — Австралияда асримизнинг энг сўнгги Олимпиада уйинлари бошланади. Ун саккиз кун мобайнида жаҳоннинг қарийб 200 та мамлакатининг 10 минг 200 нафар спортчиси «Сидней-2000» медаллари учун кураш олиб бора- дилар.

XXVI Олимпиада уйин- ларида 77 нафар ўғил- қизларимиз Ватанимиз шарафини химоя қили- шади. Маълумки, ўтган Барселона ва Атланта Олимпиадаларида ишти- рок этган спортчилари- миз озод Ўзбекистоним- миз номини дунёга та- нитди. Яшил қитъа бел- лашувлари эса ушбу му- ваффақиятларнинг ман- тикий давоми бўлади, ал- батта. Зеро, ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз томонидан спортчи- ларимизга кўрсатилаёт- ган юксак эътибор, Ва- танимиз спорти нуфузи- ни юксалтириш бораси- да амалга оширилаётган оламшумул ишлар ана шундай фикр билдириш- га асос бўлади. Айниқ- са, Сидней Олимпиада-

тасаддилар барча спорт- чиларимиздан улкан галабаларни кутишмоқда. Айниқса, «чарм кўлқоп» усталаримиздан умид катта. Бинобарин, имко- ниятлари Америка Қўшма Штатлари ҳамда Куба боксчиларидан кейин деб баҳоланаётган, ўн вазн тоифасида рингга чикув- чи боксчиларимиз билди- рилган юксак ишончни оқлайдилар. Зеро, сафар олдидан тажрибали му- раббий В.Шин бошчили- гидаги М.Абдуллаев,



чиларимиз энг кўп, 30 нафарни ташкил этади. Уларга тажрибали мураб- бийлар — Х.Умаров, В.Казаков, С.Войнов, Ш.Капкаев, Г.Арзуманов-

СПОРТ — ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

МУВАФФАҚИЯТЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА



рини соҳиб бўлди. 1999 йили эса Ирода То- киода ўтказилган «Жапан Опен» халқаро турнирининг финалида ажойиб галабани кўлга киритганидан сўнг уни кунчиқар мамлакат газетла- ри «Тошкентлик теннисчи киз Японияни ром этди», дея таърифлашди. Шундан биров фурсат ўтган, у Япо- ниянинг Фукуока шаҳрида ўтказилган яна бир нуфуз- ли мусобақа — Осиё бирин- чилигида 18 ўшгача бўлган теннисчилар ўртасида қитъа чемпиони бўлди. Сўнг Се- улдаги халқаро мусобака- ларда ҳам голиб чиққан ҳолда қизлар ўртасида Осиё қитъасининг биринчи рақами теннисчиси дара- жасига етди.

Ирода Тўлаганова. Аёллар ўртасида энг умид- ли теннисчиси Ирода Тўлаганова 9 ёшдан бош- лаб «Искра» спорт мажму- аси кортларида, бир йил ўтган эса «Динамо» корт- ларида теннис сирларини ўргана бошлади.

Ирода Тўлаганова 1995 йили ҳали 13 ёшидаёқ Тош- кент халқаро ёшлар турни- рининг финалига чиқди. Сўнг Исроил ва Германия- даги мусобакаларда қат- нашди. Германияда ўтка- зилган «Форд юген опен» ёшлар турнирининг голиби бўлди. 1995 йили Германия- даги Борис Брескварнинг «RACKET CENTER» теннис академиясига ўқишга кир- ди. Ушбу академиядаги таълим Ироданинг кейинги муваффақиятларида муҳим рол ўйнади.

1996 йилдан бошлаб Ирода Ўзбекистон терма жамоаси таркибиде Феде- рация кубоги ва бошқа қатор мусобакаларда кат- нашди. 1996 йил аёллар ўртасида ташкил этилган I Тошкент Челен- жер турниридан бошлаб ушбу мусобакаларда мун- тазам қатнашиб келаётган Иродага 2000 йил жуда омадли келди. У яқка тар- тибда «Тошкент опен» му- собақаларининг бош сов-

Т.Турғунов, У.Ҳайдаров, Р.Чагаев каби маҳоратли боксчиларимиз олимпиа- да бахсларида Ватани- миз байроғини сарба- ланд этишда бор куч-кув- ватларини аямасликла- рини билдиришди. Оғир атлетикачи Бахтиёр Ну- риллаев эса олимпиада- га йўл олиш олдидан дил сўзларини қуйидагича баён этди:

— Осиё чемпионатла- риде кумуш ва бронза медалларини кўлга ки- ритдим. Навбат олтин медалга. Насиб этса, ти- нимсиз меҳнатларим ме- васидан баҳраманд бў- лиш, мамлакатимиз шухратига шухрат кўшиш бахтига эришаман.

Олимпиадачиларимиз орасида энгил атлетика-

лар мусобақалар даво- мида ҳамроҳ бўладилар, йўл-йўриқ кўрсатадилар. Ўз таркибиде А.Багдасар- ров, К.Муродов, Ф.Тўра- ев, А.Штурбабин, А.Танг- риев, М.Жумаев, А.Мух- торов каби маҳоратли чемпион спортчилари- мизни жамлаган дзюдо бўйича терма жамоамиз ҳам ўйлаимизки, Сидней- дан куруқ қайтмайдилар.

... Ҳа, олимпиада бахс- ларида 13 спорт тури бўйича қатнашувчи ва- рикларимизнинг ниятла- ри эзгу ва улкан. Иста- нимсиз узок Австралида ўзбек ўғил-қизининг голибона ҳайқириклари Ўзбекистон номига жўро- ваз бўлаверсин!

К.ОЛЛОЁРОВ.

МАРАТ САФИН: ФАҚАТ ҒАЛАБА УЧУН КУРАШАМАН

Ҳар бир мусобақа, у кейси спорт турига тал- аллуқли эканлигидан қатъи назар, унда ишти- рок этаётган юлдузлар билан жозибали ва маф- тункордир. Пойтахтимиз- да кизгин давом этаёт- ган Президент Кубоги мусобақалари ҳам бун- дар мустаасно эмас. Се- шанба кун турнирда

иштирок этиш учун тен- нис оламидаги энг умид- ли ва истикболли ракет- ка устаси — россиялик Марат Сафин етиб кел- ди. Шуниси эътиборга лойиқки, ўтган шанба кун Марат барча тен- нисчилар орзу қиладиган энг нуфузли мусобақа- лардан бири — Америка очик чемпионатида ушбу мамлакатнинг биринчи рақамли теннисчиси Пит Сампрас устидан голиб чиқди.

Тошкент кортларида ўз маҳоратини намоян- қилиш мақсадида пой- тахтимизга ташриф бу- юрган Марат Сафиннинг теннисдаги фаолияти тўғрисида сиз азиз муштарийларга ҳикоя қилишга ҳаракат қила- миз.

1980 йил 27 январда Москва шаҳрида туғил- ган. Бўйи 1 метр 93 сан- тиметр, вазни 81 кило- грамм. Унг кўли билан ўйнайди. Бу йилги мусо- бакаларда 1.310.869 доллар, барча қатнашган йиллари бўйича эса 2.261.573 доллар ишла- ган.

Марат Сафин спортчи- лар оиласида тарбия- лангани сабабли ёшли- гидан теннисга меҳр қўйган. Узининг айтиши- ча, онаси ёш теннисчи- лар гуруҳи билан шуғул- ланаётганида унда тен- нисга нисбатан иштиқ туғилган. Онаси кўлида теннис билан 12 ўшига- ча шуғуллангач, Испани- яга йўл олди ва Рафал Менсуа мураббийлиги остида теннис сирлари- ни ўрганди. У жорий йилдан бошлаб таникли

мураббий Андрей Чес- ноков етакчилигида шу- гулланмоқда.


Ушбу мавсумда Ма- ратнинг ўйинида кескин ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Кетма- кет Барселона, Мальор- ка, Торонтодаги мусо- бақаларда голиб чиқи- ши, АҚШ чемпиони бўлиши унинг рейтинг даражасини ҳам, об- рўсини ҳам янада оши- ри ёборди. Ҳозир у жаҳон таснифида учин- чи ўринда бормоқда.

Марат Тошкентга келганидан сўнг деяр- ли бир кун ҳам дам ол- масдан ҳамюртимиз Олег Огородов билан беллашиш учун кортга тушди. Уйиндан сўнг у ўз режалари тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Узок вақт давом этган парвоздан сўнг шаҳрингизга етиб кел- дим. Тўғриси, АҚШ чемпиони бўлишидаги финал беллашуви осон бўлмаганлиги учун янги мусобақада қатнашиш жуда оғир кечяпти.

Кўпчилик, Сиднейда- ги олимпиадада қатна- шишга тайёргарлик кўрмасиз. Президент Кубоги бахсларида ўз маҳоратингизни тўла даражада кўрсатасизми ёки кунингизни аяшга ҳаракат қиласизми, дея шуғуллангач, Испани- яга йўл олди ва Рафал Менсуа мураббийлиги остида теннис сирлари- ни ўрганди. У жорий йилдан бошлаб таникли

Дилшод ИСРОИЛОВ.



«ЖАР» СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ, ДАВЛАТ СПОРТ КМИТАСИ ВА «ЖАР» СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИ ХАМКОРЛИГИДА ШАРҚ ЯҚКА КУРАШИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ.

«ЖАР»ДА БАЙРАМ

«Жар» спорт соғлом- лаштириш мажмуи бош- лиги, ички хизмат под- полковниги Абдусолмон Исохўжаев «Туркистон- пресс» муҳбири ушбу тадбир хусусида шундай деди:

— Республикаимиз мус- тақиллиги 9 йиллигини нишонлаш ва спортчилар- ни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувват- лаш, ёшларни спортга кўпроқ жалб этиш тадби- римизнинг асосий мақса- ди эди.

Ўзбекистон миллий ку- раш, Каратэ, Таэквон-до, Кикбоксинг, Муайтай, Хат- ки-до вақиллари иштирок этишди. Байрамда спорт- чилар ўзларининг маҳорат- ларини кўрсатиш билан бирга шарқ яқка кураши хусусида томошабинларга маълумотлар бериб бо- рилди. Ёш авлодни тарби- ялашда ва спорт соҳаси- ни ривожлантиришда қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон кураш федерациясидан Ш.Тўра- ев Таэквон-до бўйича, Ш.Тўлаганов, Муайтай фе- дерациясидан Р.Эзқиров ва бошқалар фестивал ла- уреати унвони ва мукофот- ларига сазовор бўлишди.


Ёқилги-энергетика, геоло- гия ва кимё сановати Ходим- лари касабга уюшмаси Тош- кент вилоят қўмитаси, ма- зкур қўмита бўлими мудир Иброҳимов Аҳмедовга отаси

Мухтор отанин вафоти муносибати билан чуқур ҳамдардлик из- хор этади.

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛМАГАЧ...

ёхуд бир жамоа мавсумда 100 та тўп киритиши мумкинми?

Мамлакат чемпионати- нинг йилги саккизинчи тури иккинчи давра уйин- ларининг аксариятида бўлганидек жуда сермаҳ- сул кечди. Унта учрашув- нинг тўрттасида (!) йирик ҳисоб қайд этилди. Агар бунга «Бухоро» ўз майдо- нида «Сурхон»ни 4:2 ҳисо- биде мағлуб этганини қўшимча қилсак, тўплар ёмғир каби ёққанига ишонч ҳосил қиламиз.



эмасми? Албатта, мухлис- лар стадионга дарвозалар- га киритилган тўплардан завқланиш учун келадилар. Лекин бир дарвозага бир йўла еттига тўп киритили- шини ҳосиятли деб бўлмайд- ди. Бу, бир жиҳатдан ҳужумчилар маҳорати ортиб

Футбол

бораётганини кўрсатгандек таассурот уйғотса-да, яна бир жиҳатдан химоя чизиги ниҳоятда бўш ҳаракат қил- ганлигидан ва энг ёмони жамоа футболчилари май- донга руҳан тушкун ҳолда тушганликларидан далолат беради. Лоқайдлик ва иро- дасизлик эса спортчиға хос бўлмаган катта нуқсондир. Агар у ёки бу футболчининг миллий терма жамоа аъзо- си эканлигини инобатга оладиган бўлсак, бу асло кечирилмас ҳол, дейиш мумкин. Шунингдек, «Не- фтич» командаси «Турон» устидан 5:0, «Андижон» жа- моаси «Хоразм» устидан 4:0 ҳисобида устун келганлиги- ни таъкидлаш лозим. Чама-

си мағлубиятга учраган икки клуб янги асрнинг би- ринчи ярмида биринчи ли- гада тўп суришни бўйнила- рига олиб қўйган кўрина- дилар. Афсуски, улар сафи- га Наманганда «Навбахор»- нинг ҳужумига дош берол- май 1:5 ҳисобида ютқазган «Гулистон» жамоасини ҳам қўшишга тўғри келади.

Агар шундай сурбат да- вом этаверса, биз бу йил якунида уч клуб — «Дўстлик», «Самарқанд-Д» ва «Навбахор» командала- рини мавсумда 100 тадан кўп тўп киритганлик билан қутласак ҳам ҳеч ажаб эмас. Бу эса олий жамоа аъзолари ўртасида катта тафовут борлигини исбот- лайди. Кескин учрашувлар руҳида тобланмаган «чарм тўп» усталаридан нимани ҳам кутиш мумкин? Беих- тир савол туғилади: Хал- қаро турнирлардаги «кам- тарона» натижаларимиз

ана шу касаллик асорати эмасмикан?! Турнинг қолган учрашув- ларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Темирйўлчи» — «Сўғдиёна» — 3:1, «За- рафшон» — «Металлург» — 0:1, «Кизилкум» — «Насаф» — 1:2.

28-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	26	21	3	2	71-28	66
2. «Насаф»	28	18	7	3	62-36	61
3. «Нефтич»	28	18	6	4	60-26	60
4. «Самарқанд-Д»	27	19	2	6	73-31	59
5. «Навбахор»	28	16	7	5	72-35	55
6. «Бухоро»	28	14	4	10	46-42	46
7. «Андижон»	28	12	8	8	60-38	44
8. «Пахтакор»	28	11	7	10	45-40	40
9. «Сурхон»	28	11	6	11	50-50	39
10. «Трактор»	28	11	4	13	42-39	37
11. «Самур»	28	10	7	11	45-49	37
12. «Металлург»	28	9	7	12	28-42	34
13. «Кизилкум»	28	7	10	11	29-40	31
14. «Кимёгар»	28	6	8	14	26-45	26
15. «Сўғдиёна»	28	7	5	16	36-59	26
16. «Темирйўлчи»	28	7	5	16	42-67	26
17. «Зарафшон»	28	6	7	15	23-53	25
18. «Гулистон»	27	7	3	17	30-51	24
19. «Хоразм»	27	4	6	17	22-50	18
20. «Турон»	27	4	6	17	23-64	18

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибят 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама,
эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Максилити: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Обфет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий алади 14.002 нуска, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа центри босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.15